ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ЯНГИАРИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
YANGIARIQ TUMANI
HOKIMI
QARORI

221100 Янгиариқ шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 74 уй. Тел: 38-55-775. 38-55-776.

2020 йил «30» январь № 180-к Янгиариқ шаҳарчаси.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда марказлаштирилган коммунал сув тармоғи бўлмаган ҳудудларга локал сув етказиб беришни ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 194-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6,14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Туямўйин-Урганч" МСКФ ДУК туман бўлими томонидан аҳолига (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Туямўйин-Урганч" МСКФ ДУК туман бўлими раҳбари Ф.Саъдуллаевга:

- ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб беришни таъминлаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш топширилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган "Янгиариқ овози" газетасида эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг yangiarikhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Эламонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими М.Саидов

Янгиарик туманидаги ичимлик суви етиб бормайдиган махаллаларга ташиш оркали ичимлик суви еткизиб бериш

Г Р А Ф И Г И .

№	Махалла номи	Ахоли сони	Графиги	Сув олиш нуктасидан масофа
1	Қармиш МФЙ	4 450	Пайшанба 10-00	20 км
2	Шихбоғи МФЙ	3 885	Пайшанба 10-00	20 км
3	Шеробод МФЙ	3 215	Пайшанба 10-00	20 км
4	Вакиллар МФЙ	3 981	Сешанба 10-00	15 км
5	Дўстлик МФЙ	4 795	Сешанба 10-00	18 км
6	Боёт МФЙ	2 457	Чоршанба 10-00	20 км
7	Остона МФЙ	2 106	Душанба 10-00	20 км
8	Қўшлоқ МФЙ	2 449	Душанба 10-00	15 км
9	Коракўз МФЙ	1 884	Жума 10-00	20 км
	Жами:	29 222		

Етказиб бериладиган 1 (бир) литр тоза ичимлик сувининг нархи 20 (йигирма) сўм.

Туямуйин-Урганч МСКФ ДУК
Янгиарик туман булими бошлиги Ф . Саъдуллаев

Узбекистон Темир йуллари АЖ темир
йул ёнилги таъминот бошкармаси Мискин
бирлашган ёкилги [illegible] Х.Б.Курбанбаев
бошлиги